«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
80-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2021 йил 29 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2021 йил 9 июль

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.
4. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
6. ЎзРВБнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. ЎзРВБнинг 2020 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
8. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
10. ЎзРВБда 2021 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
11. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.
12. ""ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Ижроия органи тўғрисида"ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
13. "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида регламент"ни тасдиқлаш.
14. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида
ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги
қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилади.
2. Акциядор томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома олгандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш санасидан камида 2 иш куни олдин акциядорнинг ёки ваколатли вакилининг электрон почта манзили кўрсатилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида видеоконференцалоқа режими орқали акциядорнинг ёки ваколатли вакилининг иштироки тўғрисида хабарнома (хат)ни ЎзРВБнинг электрон почта манзили (info@uzrvb.uz)га юборилиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида ваколатли вакил иштирок этган тақдирда ваколатли вакилнинг ишончномаси сканер қилинган нусхаси хабарнома билан биргаликда юборилади. Ишончномада ваколатли вакилнинг исми (Ф.И.Ш.), паспорт маълумотлари ва электрон почта манзили бўлиши керак.

3. ЎзРВБ саноқ комиссияси акциядор ёки унинг ваколатли вакилининг электрон почта манзилига акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши учун платформага уланиш коди ва паролини, шунингдек, тегишли ҳаволани юборади.
4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашган акциядор ёки унинг вакили бюллетеннинг аслини, шунингдек, агарда вакил иштирок этган бўлса, ишончноманинг аслини почта (курьер) орқали ЎзРВБ манзилига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгандан кейинги иш кунидан кечиқмай юбориши керак.
5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича белгиланади:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;

- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Худойбердиев Ж.Б. – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- Умурзаков О.Э. - ЎзРВБ юридик хизмати бош юрисконсульти;
- Мирзаахмедова И.А. – ЎзРВБ корпоратив иш юритув бўйича етакчи мутахассиси.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. ЎзРВБда 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулоса маълумот ва ишда фойдаланиш учун учун қабул қилинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. ЎзРВБнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. ЎзРВБнинг 2020 йил якунларига кўра соф фойдасидан **22 228 095 624,00 сўм** миқдордаги пул маблағлари акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофиқ).

ЎзРВБнинг 2020 йил якунига кўра давлат улушига (Марказий банкка) тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси **11 143 142 178,00 сўм** давлат бюджетига тўлаб берилсин.

ЎзРВБнинг 2020 йил соф фойдасидан қолган **22 228 000 000,00 сўм** пул маблағлари ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан ЎзРВБ биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га **(10 млрд. сўм)** ва кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун **(12,2 млрд. сўм)** ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2021 йил 30 июнь

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2021 йил 31 август.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари "Кумулятив овоз бериш бюллетени" бўйича овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Абубакиров Бобир Юлдашович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари;

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 876 700 та овоз.

2. Адилов Алимардон Абдуразакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори;

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 876 700 та овоз.

3. Туляганов Кудратилла Асатуллаевич - "ЎзР ТИФ Миллий банки" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари;

Овозлар сони: Ёқлайман – 833 000 та овоз.

4. Азимов Зафар Абжумажидович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари;

Овозлар сони: Ёқлайман – 833 000 та овоз.

5. Расулов Шухрат Ғайратович - АТБ "Агробанк" Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;

Овозлар сони: Ёқлайман – 666 400 та овоз.

6. Сайдахмедов Саидаброр Сайдиагзамович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Бошқаруви Раиси;

Овозлар сони: Ёқлайман – 666 400 та овоз.

7. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси.

Овозлар сони: Ёқлайман – 431 200 та овоз.

9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Султанов Рустам Бегдуллаевич - АТ Халқ банки Ғазначилик департаменти директори.;

Тарафдорлар – 950 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Хайруллаев Даврон Фазлиддинович - АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Ғазначилик департаменти бек офис менежери;

Тарафдорлар – 855 400 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. Ражабов Эшмурод Рузибоевич - АТБ "Агробанк" Қимматли қоғозлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

Тарафдорлар – 831 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 119 000 та овоз.

10. ЎзРВБда 2021 йил якуни мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун **"FINEKS" Аудиторлик ташкилоти МЧЖ** билан шартнома тузилсин ва аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси **44 900 000 сўм** миқдорда белгилансин.

Тарафдорлар – 1 026 200 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

12. ""ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Ижроия органи тўғрисида"ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда "ЎзРВБ" АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

13. "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида регламент" тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

14.1. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБнинг ўтган йил учун олинган соф фойдасининг 1 фоизи миқдорида белгилансин.

14.2. Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси *(имзо)* **Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби *(имзо)* **Б.З. Исраилов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор ўринбосари **Б.З. Исраилов**